

Quyidagi berilayotgan masalani yechishda o'quvchilar fizika, matematikadan o'zlashtirgan bilimlarini amaliyotga qo'llash imkoniyatini yaratadi. Berilgan formula asosida organizmning energiya sarfini hisoblab topishi, ovqat ratsioni bilan energiya sarfi o'rtasidagi bog'lanishlarni tasavvur qilish, ovqatlanish normasini tushunishga zamin tayyorlaydi.

Demak, "Odam va uning salomatligi"ni o'qitishda fanlararo integratsiyadan foydalanish bip butun yaxlit tushunchaga ega bo'lishga, o'qitish samaradorligini oshirishga olib keladi.

ТУРКИСТОНДАГИ АЙРИМ УЮШМА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИДАН. (XX АСР БОШЛАРИ)

З.Т.Тоғайев-НавДПИ
Тарих кафедраси тадқиқотчиси

Россия империяси мустамлакаси даврида Туркистон мусулмонларининг муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати давом этиб турган. Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёратига жўнаб кетиши ва ортга қайтиши империя маъмурий идоралари томонидан қатъий назоратга олинган. Жиддадаги (Арабистон) рус консули хабар қилишича, бир йилда зиёратчилар сони 3 -4 минг киши бўлиб, 1909 йилда пахта ҳосили кам бўлгани учун 1,5 минг нафар 1910 йилда эса 5 минг Туркистонлик ҳаж зиёратини адо этган. Зиёратчилар ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, 4/3 қисми Фарғона водийсидан бўлган.¹

Империя ҳукумати ҳаж зиёрати ва зиёратчиларни ўз назоратига олиш, уларни Эрон, Туркия ва Ҳиндистон портлари орқали эмас, Россия портлари (Батуми, Одесса) орқали ўтишини таъминлаш мақсадида 1907 йилда "Кўнгилли флот айғокчилиги" (Агент добровольного флота) уюшмасини тузди. Ушбу уюшманинг идоралари Россия империясининг Одесса, Батуми Феодосия, Севастопол каби порт шаҳарларида ушбу жамиятнинг Марказий идораси Одесса шаҳрида бўлиб, унга Тошкентлик бой ўз вақтида империя, юқори доиралари ишончига кирган. Россия ҳукумати томонидан бир неча бор орден ва медаллар билан тақдирланган. Саид Саид Азимбой "Бош айғокчи" қилиб тайинланган. "Кўнгилли флот айғокчилиги" уюшмасининг яна бир шоҳобчаси 1909 йилда Қошғар (Хитой) да ҳам очилди.²

Ҳар бир юқорида қайд этилган шаҳардаги рус ваколатхонаси орқали зиёратчиларга чипта сотадиганлар, кассалар, ташкил этилди. 1909 йилнинг кузида Саид Саид Азимбойни зиёратчиларни ўз вақтида зиёратга юборишни ташкил этмаганлиги "кўрсатмаларни ўз вақтида бажармаганлиги" каби айблар билан уюшма бошлиғлигидан бўшатилади. Уюшма ўз фаолиятини 1917 йилга қадар давом эттириб, мусулмон зиёратчиларига бир қадар амалий ёрдам кўрсатди. Бироқ унинг мақсади мустамлака манфаатларига ҳамда империя асосларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.³

XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида Туркистон генерал-губернаторлиги Еттисув вилоятида кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолини доимий ўтроқ ҳаётга ўтказиш, русийзабон аҳолига бўш ер фондлари яратиш жараёни сунъий равишда тезлаштирилди. Натижада қирғиз (қозоқ), қорақирғиз (қирғиз) ларнинг ўтовга асосланган кўчманчилик ҳаёти билан боғлиқ манзилгоҳлар ўрнида қишлоқ ва посёлкалар вужудга келди. Манбаларда ўтроқлашган аҳолининг масчитлар қурилиши, Константинополь (Истанбул, Туркия) Миср (Қоҳира, Александрия) да маълумот олган диний уламолар бу жойларга кириб келиши, "Ёш турклар" ташкилоти ғоялари тарғиботи олиб бораётган "панисломчи" "пантуркист" миллий уюшмалар пайдо бўлаётгани ҳақида хабарлар келтирилган. Бундай ишчи уюшмалар Верний

¹ Ҳайитов Ш. Орзиева М. Россия империяси ҳукуматининг мусулмон зиёратчиларига муносабати. БухДУ ахбороти, 2012 .-№2.-Б.36

² ЎМА, И-1-фонд, 1-руйхат, 215 йиғма жилд, 197-198 varaқлар, 120-121 varaқлар.

³ ЎМА, И-23-фонд, 1-руйхат, 977 йиғма жилд 1053-varaқ; Ҳайитов Ш; Айматова З. Марказий Осиё мусулмонларининг муборақ ҳаж сафари: Тарих ва бугун. Бухоро -2021.Б.39

(Олмаота) Прежевальский каби бошқа уезд ва шаҳарларида юзага келаётганлиги муносабати билан империя маъмурлари ташвишга тушганди.

1911 йил 30 сентябрда Туркистон генерал-губернаторига Еттисув вилоят ҳарбий губернатори Вернийдан бўлган билдириши (рапорти) да ; “Еттисув вилоятида мусулмон ташвиқотчилари жамоалари орасида мусулмон масчитлари, улар қошида мусулмон мактаблари очишга амалий ҳаракат бошлашган “ Мусулмон биродарлари ” уюшмаси тузилиб , рус жамиятлари улар таъсири остига тушиши хавфи остида . Рус жамиятлари бундай уюшмалар таъсирига эмас, аксинча мусулмон аҳоли кўчирилганлар таъсири остига тушиши учун чоралар кўрилмоқда . Рус ва мусулмонлар бир бирига яқинлашиб, ягона жамоа бўлиб, моддий ва бошқа ҳаётий манфаатлар масалаларида биргаликда ҳаракат қилишлари ҳам ҳафлидир¹” мазмунидаги фикрларини келтирган. Юқоридаги фикр Еттисув вилоятида миллий уюшмалар ташкил топиши гарчи улар сиёсий таъсирга эга бўлмасада империя маъмурларини ташвишга солганини тасдиқлайди.

1905-1910 йилларда Еттисув вилоятидаги туб-жой аҳоли ҳисобланган қирғиз, таранчи, дунган ва уйғурларнинг ёппасига Хитойга кўчиб ўтиши, бўш кўрикланадиган чегара ҳудудларидан азалий жойларига вақти-вақти билан қайтиб туриши ҳам ҳукумат вакиллари ташвишга солиб турган. Ғулжа (Хитой) даги рус консули ахборотларидан бирида: “тубжой аҳолининг ёппасига Хитой томонга кўчиши (қочиши) рус кўчирилган аҳоли учун бўш ер фондларни яратмоқда, бу ижобий ҳолат. Бироқ, Хитойга ўтган рус фуқаролари қавм-қариндошлари билан бирлашиб, Россия империяси сиёсатиға қарши қаратилган миллий уюшмалар тузаяпти, қочишни тўхтатиб, рус фуқаролари бўлган черкизларни Еттисув вилояти уезд бошлиқлари қатъий назоратга тутган маъқул²”-деган фикрлар келтирган. Иккинчи бир ҳужжатда:“Еттисув вилоятидан қочиб кетганлар бир қисми азалий ерларига қайтиб ишляпти. Улар орасида Хитойдаги миллий уюшма ва ташкилотларда иштирок этганлар ҳам бор. Бундай туземецлар (тубжой аҳоли) ни назоратда ушлаш учун уезд бошлиқлари, шаҳарлардаги полиция назоратчилари маъсулияти ва жавобгарлигини кўчайтириш зарур³” дейилган.

Хуллас, Туркистон генерал –губернаторлигидаги миллий уюшмалар унчалик таъсирчан кучга эга бўлмасада, улар ташкил топишнинг кўртак ҳолатида жамлигига қарамай империя ҳукумати аъзоларини ташвишга солган эди.

BUXORO AMIRLIGINING DAVLAT AMALDORI – ABDULVOHID SADRI SARIR

Sayitmurodova Feruza Xayrulla qizi
Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi

Shuni aytish joizki, Muzaffarxon amirlik qilgan davrda tabiiy ihotazorlar barpo qilinishiga, hamda Qizilqum cho'lining qumlari ko'chishini oldini olish masalasiga e'tiborsizlik bilan qaralishi sabab tez-tez qum ko'chish hollari yuz bergan. Natijada obod dehqonchilik yerlari, bog'u-rog'lar qum ostiga qolish hollari takrorlanib turgan. Bunday tabiiy ofatlar esa dehqonchilik ishlarini izdan chiqarib, mamlakat iqtisodiga katta zarar yetkazar edi. Xususan, tabiiy ofatlar suv inshootlarini izdan chiqarib, ariqlarni ko'mib yuborgan. Shofirkon va G'ijduvon tumanlari shimolidan oqib o'tadigan, Qizilqumga juda yaqin bo'lgan Rud 1883 yilda butunlay ko'milib, Shofirkonning 38 qishlog'i va G'ijduvonning 15 ta qishlog'i⁴ suvsiz qolgan edi.

Sadriddin Ayniyning otasi Saidmurod ancha savodli, o'ktam inson bo'lib, qaynotasi yashaydigan Shofirkon tumanidagi Mahalliy bolo istamze qishlog'ini qum bosib, bog'-rog'lar, hovlilar qum ostiga ko'milganini ko'rib ularga ofatni tezroq bartaraf etishga ko'maklashadi. U amir Muzaffarxonga xat ariza yozib suvsizlikni oldini olishga va yangi rud qazish, tabiiy ofatni oldini olishga yordam berishni iltimos qiladi. Agar shunday qilinsagina dehqonchilikdan foyda ko'rilishi,

¹ ЎМА, И-1-фонд, 13-рўйхат, 981 йиҳма жилд 303-варақ;

² ЎМА, И-1-фонд, 13-рўйхат, 981 йиҳма жилд 303-варақнинг орқаси;

³ Ўша архив, 304-варақ, 304-варақнинг орқаси

⁴ И. Ишанов. Бухарская Народная Советская Республика. изд. “Узбекистан”, Т, 1969, стр. 40.